*Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.*

# XXI ASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган,
e-mail: axborotXXIasr@yahoo.com,
web sayt: www.21asr.uz

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2012 йил 27 сентябрь, пайшанба, 39 (463)-сон



**Истиқболли лойиҳалардан — амалий ишларга**
4 ПАРТИЯ ҲАЁТИ



**Сармоялар — иқтисодиётнинг устувор соҳаларига**
6 ИҚТИСОДИЁТ



**1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни**
8 ҚУТЛОВ

Олий Мажлисда

## ПАРЛАМЕНТ ЭШИТУВИ

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси «2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури»нинг жорий йил биринчи ярмидаги ижроси бўйича меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири Актам Ҳаитовнинг ахборотини эшитди**

Тадбирда алоҳида таъкидланганидек, мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ушбу дастур ноёб лойиҳа бўлиб, парламент палаталари даражасида қабул қилинадиган бундай дастурлар бошқа бирон-бир давлатда учрамайди. Унинг ижросини таъминлаш эса нафақат янги иш ўринлари ташкил этиш, балки аҳолининг реал даромадларини ошириш ва турмуш фаровонлигининг юксалишига хизмат қилади. Шунингдек, меҳнат бозорида мутаносибликни таъминлаш учун минтақалар ва иқтисодиёт тармоқларидаги мавжуд салоҳиятдан, биринчи галда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари имкониятларидан янада самарали фойдаланиш учун қулай шароит яратади.

2 ▸▸

Партиявий лойиҳа



## ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИККА КЕНГ ЙЎЛ

**«Пойтахт» бизнес-марказида O`zLiDeP «Аёллар қаноти» ҳамда Марказий банк ҳамкорлигида «Мамлакатимизда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва истиқболдаги вазифалар» мавзуида илмий-амалий семинар ўтказилди**

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, молия муассасалари мутасаддилари, Савдо-саноат палатаси вакиллари, фермер ва тадбиркор аёллар иштирок этдилар.

3 ▸▸

Концепция — амалда

# Муҳим қонун кучга кирди

### 2012 йилнинг 25 сентябридан «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни кучга кирди

**Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» асосида яратилган мазкур қонуннинг бош мақсади хусусий мулкни қўриқлаш, унинг дахлсизлиги кафолатларини, мулкдорлар ҳуқуқларини амалда таъминлаш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, жамиятда хусусий мулк эгаларининг манфаатларини ҳар тарафлама ҳимоя қилишдан иборатдир**

Маълумки, Ўзбекистонда давлат хусусий мулк эгалари ҳуқуқларининг ҳимоячиси бўлгани учун ҳам тадбиркорлар ўз бизнесига бехавотир инвестиция киритмоқдалар. Ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш, маҳсулот ҳажми ва олаётган даромадини кўпайтириш, ўз мулкига ўзи эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш учун ҳам барча ҳуқуқий асослар яратилган. «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши эса бозор иқтисодиётининг негизи ҳисобланган хусусий мулкка нисбатан давлат томонидан берилаётган кафолатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Хўш, тадбиркор ва ишбилармонлар томонидан юқори баҳоланаётган янги қонуннинг алоҳида хусусиятлари нималардан иборат? Бу саволга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Муҳаммаджон Турсунов шундай жавоб беради:

— Хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш, мулкдорлар манфаатини ҳимоя қилиш, мулк дахлсизлиги ва хавфсизлигини таъминлашнинг кафолатлари билан боғлиқ муносабатларни тартибга соладиган янги қонуннинг ўзига хос хусусиятлари унда белгиланаётган қоидаларнинг ҳозиргача мавжуд бўлган муаммоларни бартараф этишга қаратилганидадир. Жумладан, қонунда хусусийлаштириш жараёнларининг ортга қайтмаслиги, хусусийлаштириш орқали қўлга киритилган мол-мулк эгасининг ушбу мулкка бўлган ҳуқуқидан маҳрум этилмаслиги юзасидан ягона ёндашув ўз ифодасини топган.

2 ▸▸




# Телекоммуникациялар, хизматлар, технологиялар

### Пойтахтимиздаги «Кўргазма савдо маркази» мажмуида анъанавий Ахборот технологиялари ҳафталиги доирасида “ICTExpo-2012” ахборот технологиялари миллий кўргазмаси бошланди

Тадбирда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори Ҳ.Мирзоҳидов замонавий ахборот технологияларини самарали қўллаш жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омилларидан эканини таъкидлади. Истиқлол йилларида мамлакатимизда бу борада улкан ютуқларга эришилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов томонидан асосий принциплари белгилаб берилган ахборотлаштиришни ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсати мамлакатимизнинг жаҳон ахборот маконига интеграциялашувига бевосита хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 21 мартда қабул қилинган «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ушбу жараёнда муҳим дастуриламал бўлаётир.

“ICTExpo-2012” Тошкент, Навоий ва Термиз шаҳарларида ўтказилмоқда. Кўргазманинг бир пайтда учта шаҳарда ўтказилаётгани ахборот технологияларини ҳаётимизнинг барча жабҳаларига жорий этилиш даражаси ҳудудларимизда ҳам изчил ортиб бораётганидан далолатдир. Бу ерга ташриф буюрадиганлар учун ташкил этилган веб-трансляция реал вақт режимида бир йўла учала кўргазма экспонатлари билан танишиш имконини бермоқда.

“ICTExpo” Марказий Осиё минтақасида муҳим ва нуфузли кўргазма майдонларидан бирига айланди. 150 дан зиёд иштирокчи компания учта шаҳарда ахборот технологиялари соҳасидаги барча янгиликларни намойиш этмоқда.

3 ▸▸

Тадбиркорлик

## НАМАНГАНДАГИ ҲАР БИР МАҲАЛЛАДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАРКАЗИ

Жорий йил баҳорида Наманган вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан ҳар бир маҳалла ҳудудида замонавий маиший хизмат кўрсатиш мажмуаларини барпо этиш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилган эди. Эътиборлиси, ана шу дастур ижросини таъминлаш жараёнида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Яқинда Тўрақўрғон туманининг Холматов ҚФЙдаги Гулистон маҳалласида ана шундай мажмуа фойдаланишга топширилди. Маҳаллий тадбиркорлар саъй-ҳаракати билан бир қатор савдо дўконларидан ташқари сартарошхона, шунингдек, алоқа хизмати ва пойабзал шохобчаларининг ишга туширилиши натижасида 20 та янги иш ўрни яратилди. Уйчи туманининг Гузар маҳалласида эса хизмат кўрсатиш шохобчаларидан иборат икки қаватли мажмуадан ташқари болалар спорт майдончаси ҳам бунёд этилди.

Вилоят ҳокимлиги ахборот хизматидан хабар қилинишича, юқорида тилга олинган дастур асосида амалга оширилган чора-тадбирлар самараси ўлароқ ўтган давр мобайнида вилоятдаги 500 га яқин маҳалла фуқаролар йиғини ўзининг замонавий маиший хизмат кўрсатиш марказига эга бўлди. Доимий иш билан таъминланган 3500 нафардан зиёд фуқаро эса маҳалладошларига намунали хизмат кўрсата бошлади.

Семинар

## КАДРЛАР САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ БОРАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Тошкентда «Экспортга йўналтирилган маркетинг» мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси, мамлакатимизнинг қатор акциядорлик компаниялари ва жамиятлари вакиллари, Японияning Саноат ва инсон ресурсларини ривожлантириш уюшмаси мутахассислари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари С.Ғаффоров Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда, жумладан, хусусийлаштириш соҳасида кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш йўналишида ҳам изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.

3 ▸▸

## АНДИЖОНДА — ЯНГИ АВТОБУСЛАР

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш сифатини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Андижон вилоятида ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Вилоят маркази аҳолисига сифатли транспорт хизмати кўрсатиш мақсадида «Ғавс» масъулияти чекланган жамияти томонидан Самарқандда ишлаб чиқарилган 50 дона автобус келтирилди. Улар уч йўналиш бўйича аҳолига хизмат кўрсата бошлади.

— Бўстон — Кўмакай йўналиши бўйича автобус қатновининг йўлга қўйилиши билан мактаб ўқувчилари учун жуда катта қулайлик яратилди, – дейди Андижон шаҳар 24-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Дилфузахон Тоҳирова. — Аввал мактабга йўналишдаги таксида бориб келаётган ўқувчилар энди юмшоқ ўриндиқли автобуслар хизматидан фойдаланиш имконига эга бўлди.

Янги автобусларнинг келтирилиши натижасида 100 нафар киши доимий иш билан таъминланди.

**Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

Бунёдкорлик

# Сурхондарё тараққиёт йўлидан дадил одимламоқда

### Сурхондарё мамлакатимизнинг ерости ва ерусти бойликлари сероб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун қулай иқлим шароитига эга воҳа бўлиб, истиқлол йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар вилоят иқтисодиётини изчил ривожлантириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда кенг имкониятлар яратиб берди



«Мустаҳкам оила йили»да эса ислоҳотлар самараси янада салмоқли бўлди. Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 110,4 фоизга бажарилди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,5, қурилиш 9,4, қишлоқ хўжалиги 20,6, транспорт ва алоқа 20,7 фоизни ташкил этди. Шу даврда 408,8 миллиард сўмлик саноат, 163,9 миллиард сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилди. Саноат маҳсулотлари аҳоли жон бошига 185,9 минг, истеъмол моллари эса 73,6 минг сўмга тўғри келди.

Иқтисодчилар айни пайтда вилоятда 1 минг 97 та саноат корхонаси фаолият олиб бораётганини таъкидламоқдалар. Уларнинг 23 таси йирик, 1074 таси эса кичик корхоналардир.

4 ▸▸

2 » ШУ СОНДА:

**УШБУ ҚОНУННИНГ КУЧГА КИРИШИ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИМИЗДА БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛГАН ВАЗИФАЛАРГА ҲУҚУҚИЙ ЕЧИМ ТОПАДИ ВА ЭЛЕКТОРАТГА БЕРИЛГАН ВАЪДАЛАРИМИЗНИ ТЎЛИҚ БАЖАРИШ ИМКОНИНИ ЯРАТАДИ.**

# Парламент эшитуви

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

Озод РАЖАБОВ

**O`ZLIDEP ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ ҲУКУМАТ ТОМОНИДАН ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ ИЖОБИЙ БАҲОЛАГАН ҲОЛДА, ПАРТИЯ ПОЗИЦИЯСИНИ ҚУЙИДАГИЧА БАЁН ЭТДИЛАР. БИРИНЧИДАН, БУХОРО ВА ХОРАЗМ КАБИ ҲУДУДЛАРДА КИЧИК БИЗНЕС РИВОЖИДА КУЗАТИЛАЁТГАН ҲОЛАТДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ, ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ УШБУ ВИЛОЯТЛАР ҲОКИМЛИКЛАРИ БИЛАН БИРГАЛИКДА МАВЖУД ВАЗИЯТНИ ЧУҚУР ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ҲАМДА ТАДБИРКОРЛИК МУҲИТИНИ ЯХШИЛАШ БОРАСИДА ТЕГИШЛИ ТАДБИРЛАР ДАСТУРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШИ ЛОЗИМ. ЙИЛ ОХИРИДА ЭСА ҚУЙИ ПАЛАТАНИНГ МУТАСАДДИ ҚЎМИТАСИ УШБУ МАСАЛАГА ЯНА БИР БОР ҚАЙТИБ, АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАРГА БАҲО БЕРИШИ МАҚСАДГА МУВОФИҚДИР...**

Маълумки, мустақиллик йиллари Ўзбекистонда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан барча соҳа ва тармоқларни изчил ривожлантириш мақсадида мустаҳкам ҳуқуқий асослар шакллантирилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Меҳнат кодекси, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонун ҳужжатларини бандлик даражасини яхшилаш борасидаги ҳуқуқий кафолатлар сирасига киритиш мумкин. Иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширишга нисбатан бундай комплекс ёндашув жаҳондаги кўплаб мамлакатларда молиявий инқироз ҳали ҳам давом этаётган ва иш жойлари қисқартирилаётган бир пайтда фуқароларимизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ишончли ҳимоялаш омилига айланди. Бир сўз билан айтганда, ҳар йили янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг рўёбга чиқарилиши бутун дунёда «Ўзбек модели» дея эътироф этилган тараққиёт формуласининг ажралмас қисмидир.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири Актам Ҳаитовнинг таъкидлашича, мамлакатимизда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш механизми жорий этилгани ҳамда бу борада парламент томонидан қабул қилинган дастур туфайли 2011 йилда 950 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилган. Жорий йилнинг январь-июнь ойларида эса бу кўрсаткич 510,5 мингтани ташкил этган ёки айни даврга мўлжалланган прогноз параметрлари 105,5 фоизга бажарилган. Яратилган жами иш ўринларининг қарийб ярми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келади.

Дастурнинг иккинчи ва учинчи йўналишларида, яъни ишга туширилган ва ўз фаолиятини кенгайтирган 25 мингдан ортиқ кичик корхоналар ва микрофирмаларда 185,7 мингта янги иш ўрни очилган бўлса, 58 минг нафардан зиёд фуқаро якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, ўз бандлигини таъминлади. Кичик бизнес субъектларида яратилган иш ўринлари салмоғида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг улуши ортиб бораётгани кузатилмоқда. Хусусан, савдо ва умумий овқатланиш соҳалари билан бирга транспорт, алоқа ва ахборотлаштириш, маиший, молиявий, автомобилларни таъмирлаш каби хизмат турлари ҳажми ҳам сезиларли даражада кўпайган.

Бироқ дастур параметрларининг жойлардаги ижроси ўрганилганда айрим минтақаларда янги корхоналарни ишга тушириш, кичик корхоналар, микрофирмалар ташкил этиш, якка тартибдаги хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига иш ўринлари ташкил этиш борасидаги ишлар талаб даражасида эмаслиги аниқланди. Депутатларнинг фикрича, бундай хатоларга йўл қўймаслик учун қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозим.

— Масалан, Бухоро вилоятида ҳисобот даврида 654 та янги кичик корхона ташкил этилган бир вақтда 1014 та кичик корхона ўз фаолиятини тўхтатган, — деди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Ғулом Омонқулов. — Яъни, 2012 йилнинг олти ойида тадбиркорлик субъектлари сони 360 тага қисқарган. Хоразм вилоятида эса мазкур кўрсаткичлар тегишли равишда 412, 696 ва 274 тани ташкил этмоқда. Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ўсиш кўрсаткичлари қайд этилаётган бир пайтда мазкур вилоятларда юзага келган вазият ҳаммамизни ўйлантириши табиий. Чунки тадбиркорлик субъектларининг камайиши улар томонидан яратиладиган иш ўринларининг йўққа чиқишини ҳам англатади.

2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бажарилишининг бориши тўғрисидаги ахборотни батафсил муҳокама қилиш вақтида сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар ҳам сўзга чиқдилар. Хусусан, O`zLiDeP фракцияси аъзоларининг фикрича, янги иш ўринлари яратиш учун инфратузилмани янада ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг коммуникация тармоқларига уланиши масалаларига эътибор янада кучайтирилиши зарур.

— Бизнингча, бозор шароитида кўплаб янги иш ўринларининг ташкил этилаётгани иқтисодий ислоҳотларнинг, аниқроғи, бизнес тузилмаларининг самарали фаолият кўрсатишига қулай шароит яратилгани натижасидир, — деди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Барно Абдуллаева. — Изчил ислоҳотларнинг амалий ифодаси сифатида сўнгги ўн йилда бизнес соҳасида банд бўлганлар сони 2 баробарга ошганига гувоҳ бўлдик. Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, ушбу ижобий тенденция жаҳон молиявий инқирози шароитида ҳам кузатилди. Ўз навбатида фракциямиз яна бир рақамга эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблайди. Яъни, мамлакатимизда иш билан таъминланган ҳар 4 кишининг 3 нафари кичик бизнес соҳасида меҳнат қилмоқда. Бу жиҳат Юртбошимиз ташаббуси билан пойтахтимизда ўтказилган «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзуидаги халқаро конференцияда ҳам алоҳида тилга олинди.

Кези келганда, мазкур дастур ижросини партиямизнинг маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ҳам назоратга олганини айтиб ўтиш керак. Жорий йилнинг ўзида O`zLiDePнинг 2 та вилоят кенгаши, 12 туман ва 5 та шаҳар кенгашидаги депутатлик гуруҳларида ана шу дастур ижроси атрофлича муҳокама қилинди.

Мисол учун, халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгаши сессиясида депутатларимиз ташаббуси билан «Хорижий ва маҳаллий инвестиция иштирокида кичик саноат корхоналари, маиший сервис шохобчаларини ташкил этиш ва янги иш ўринларини яратиш», халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгашида эса «Ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш» бўйича ҳаракат дастурлари қабул қилинди. O`zLiDeP ташаббуси билан ишлаб чиқилган худди шундай дастурлар Фарғона, Жиззах, Наманган ва Тошкент вилоятларида ҳам ҳаётга татбиқ этилмоқда.

— O`zLiDeP фракцияси аъзолари ҳукумат томонидан иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни ижобий баҳолаган ҳолда, қуйидаги таклифларни ҳам илгари сурдилар, — деди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Абдуқодир Тошқулов. — Биринчидан, Бухоро ва Хоразм каби ҳудудларда кичик бизнес ривожида кузатилаётган ҳолатдан келиб чиқиб, Иқтисодиёт вазирлиги ушбу вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда мавжуд вазиятни чуқур таҳлил қилиш ҳамда тадбиркорлик муҳитини яхшилаш борасида тегишли тадбирлар дастурини ишлаб чиқиши лозим. Йил охирида эса қуйи палатанинг мутасадди қўмитаси ушбу масалага яна бир бор қайтиб, амалга оширилган ишларга баҳо бериши мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан, янги иш ўринлари ташкил этишда рақобат муҳитига устуворлик бериш, бунда талаб ва таклифга қатъий амал қилиш кутилган самара беради. Касб эгаларига нисбатан талабнинг кучайтирилиши эса, ўз навбатида, меҳнат унумдорлигини ошириш, ходимларнинг ижодий ва интеллектуал қобилиятини рўёбга чиқаришга олиб келади.

Учинчидан, Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони асосида ушбу йўналишдаги тадбирлар юзасидан иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бажарилиши ҳақидаги ҳисоботга алоҳида бўлим киритиш зарур. Бунда нафақат коллеж битирувчиларининг кичик бизнесга жалб этилиш кўрсаткичлари, балки ташкил этиладиган иш ўринларида меҳнатга ҳақ тўлаш даражаси, ўз касбий малакасини ошириш ва муқим ишлаб кетгани билан боғлиқ кўрсаткичларга эътибор қаратиш ниҳоятда муҳимдир. Бу эса мазкур йўналишда самарали парламент ва жамоатчилик назорати ўрнатиш имконини ҳам беради. Албатта, ушбу фаолиятни амалга оширишда ижро органларигина эмас, балки жамоатчилик, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар салоҳияти, нодавлат нотижорат ташкилотлар имкониятларидан кенг фойдаланишнинг аниқ механизми ҳам ишлаб чиқилиши лозим.

Тўртинчидан, 2011 йил ва 2012 йилнинг биринчи ярмида саноат ишлаб чиқариши соҳасида фаолият юритаёган кичик бизнес субъектларида банд бўлганлар таркиби бўйича ўтказилган таҳлиллар дастурни амалга оширишда тармоқ имкониятларидан етарлича фойдаланилмаётганини кўрсатди. Шу ўринда Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Иқтисодиёт вазирлигига саноат ишлаб чиқариши соҳасида фаолият юритаётган кичик корхоналарда банд бўлганларнинг ўртача йиллик сонини кўпайтириш масаласини кўриб чиқишни таклиф қилгани ҳам бежиз эмас. Бу айни пайтда кичик бизнеснинг саноат ишлаб чиқаришидаги ҳиссасини кўпайтиришга кўмаклашиши баробарида иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокини кенгайтириб, яратилаётган иш ўринлари таркибида сифат кўрсаткичининг яхшиланишига хизмат қилади.

Депутатларнинг фикрича, парламент эшитуви 2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг самарали бажарилишида муҳим аҳамият касб этади. Тармоқлар кесими (бандлик йўналишлари) ва минтақалар бўйича прогноз параметрларига мувофиқ, йил охиригача 967,5 мингта иш ўрни ташкил этишни назарда тутувчи ушбу дастур, шубҳасиз, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги энг муҳим ҳужжатлардан биридир.

Муҳокамалар чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси 2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бажарилишининг бориши тўғрисидаги ахборотни маълумот учун қабул қилди. Парламент эшитуви якунлари бўйича соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш, кейинги йилларда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ишлаб чиқилишининг механизмлари ва услубларини ривожлантириш юзасидан муайян таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

# Муҳим қонун кучга кирди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

Унда белгиланган қоидага мувофиқ, хусусий мулкдан маҳрум қилиш ва уни олиб қўйишга муайян ҳолларда, яъни фақат давлат ва жамият манфаатлари тақозо қилгандагина йўл қўйилади. Мазкур жараён ҳам мулкдорга адолатли тўлов тўланган тақдирдагина амалга оширилади.



Янги қонунга кўра, мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари янада кучайтирилиб, хусусий мулк ҳуқуқининг муддатсизлиги аниқ белгилаб қўйилди. Мулкдорга фойдасиз шартларни юклаш, жумладан, улардан мол-мулкини, молиявий маблағларини топширишни талаб қилиш, мулкдор фаолиятига аралашиш, унинг мол-мулкини қўлга киритиш ёки хусусий мулкига бўлган ҳуқуқларидан воз кечишига мажбур қилиш қатъий таъқиқланди.

Шу ўринда янги қонунда хусусий мулкка нисбатан ноқонуний ҳаракатлари учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлиги бўйича талаблар кескин кучайтирилганини таъкидлаш лозим. Хусусан, давлат органлари томонидан мулкдорга зарар етказадиган меъёрий ҳужжатлар қабул қилинишига йўл қўйилмаслиги кўрсатилиб, мулкдорлар фаолиятига ноқонуний аралашган давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мансабдор шахслари учун жавобгарлик ўрнатилди. Мулкдорга етказилган зарар суднинг қарори билан бевосита давлат ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан ундирилади.

«Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун айнан мана шундай жиҳатларни тартибга солиши билан ҳам долзарб аҳамиятга эгадир. Энг муҳими, қонунда илгари турли талқинларга сабаб бўлган ҳолатларга барҳам берилиб, хусусий мулкни тасарруф этиш билан боғлиқ масалалар аниқ ҳуқуқий ечим топди. Унинг нормаларини ҳаётга татбиқ этиш иқтисодиётда хусусий мулкнинг самарали амал қилиши учун қулай шароитлар яратиши баробарида тадбиркорлик ташаббусларини ҳам рағбатлантиради.

— Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, партиямиз фаоллари аввал бошдан «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунни имкон қадар тезроқ қабул қилиш тарафдори бўлиб келади, — дейди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Сурайё Одилхўжаева. — Боиси айнан мана шу қонуннинг кучга кириши Сайловолди дастуримизда белгилаб қўйилган вазифаларга ҳуқуқий ечим топади ва электоратга берилган ваъдаларимизни тўлиқ бажариш имконини яратади. Шу маънода, янги қонунни хусусий мулкни ҳимоялаш ва мулкдорлар ҳуқуқларини кафолатлаш соҳасидаги асосий тамойиллар ва қоидаларни ўзида мужассам этган қонун, десак муболаға бўлмайди.

— Мазкур қонунга эҳтиёж ниҳоятда юқори эканини мулк ҳуқуқига тааллуқли низоларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳам кўрсатиб турибди, — дейди парламент қуйи палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Полянте Свешников. — Кейинги уч йил мобайнида республика фуқаролик ҳамда хўжалик судлари томонидан мулкдорлар ва хусусий тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ 63816 та даъво аризаси кўриб чиқилган бўлса, уларнинг 74 фоизи қаноатлантирилган. Бундан ташқари, ана шу давр оралиғида республика хўжалик судлари томонидан давлат органларининг тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини камситадиган ҳужжатларини ҳақиқий эмас, деб топиш юзасидан 2342 та иш кўрилган бўлиб, уларнинг ҳам 45 фоизи қаноатлантирилган.

Кези келганда яна бир муҳим жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш жоиз. У ҳам бўлса, қонун қабул қилингунга қадар жамоатчилик экспертизасидан ўтказилганидир. Хусусан, O`zLiDeP фракциясининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси билан ҳамкорликда жойларда ўтказган тадбирларида 2000 дан зиёд киши қатнашиб, лойиҳани янада такомиллаштириш юзасидан 300 га яқин таклифлар билдирилди. Ва уларнинг аксарияти қабул қилинган қонунда ўз аксини топди.

Хулоса қилиб айтганда, «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши мулкий муносабатларни тартибга солиш орқали мулкдор ҳуқуқларининг қўриқланиши бўйича кўриладиган чораларнинг яхлит тизимини яратади. Мулк ҳуқуқини тугатишнинг асослари, шартлари ва чегаралари аниқ белгилангани, мулк ҳуқуқининг муддатсизлиги ва дахлсизлиги таъминлангани пировардида барқарор иқтисодий ўсишга эришишда муҳим аҳамият касб этади.

## ХУСУСИЙ МУЛК ДАХЛСИЗ ВА МУДДАТСИЗ



Фахриддин КОМИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси

**Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тараққий эттиришга устувор аҳамият берилаётгани бежиз эмас. Чунки мазкур соҳани тез суръатлар билан ривожлантириш республикамиз учун муҳим роль ўйнаганини нафақат юртдошларимиз, балки халқаро экспертлар ҳам эътироф этмоқдалар.**

**Бунинг асосий омилларидан бири Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун янада кенг имкониятлар яратилганлиги билан боғлиқ, албатта. Хусусан, Бош қомусимизнинг 36-моддаси ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли эканини кафолатлайди. 53-моддада эса бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган иқтисодиёт негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида экани белгилаб қўйилган.**

**Конституцияда муҳрланган ушбу нормалар алоҳида қонунлар орқали мустаҳкамлаб борилмоқда. Жумладан, 2012 йил 25 сентябрдан кучга кирган O`zLiDePнинг Сайловолди дастурида белгиланган устувор вазифаларни ўзида тўла акс эттирган «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни бунга мисол бўлиши мумкин.**

**Мазкур қонун талабларига кўра, давлат органларининг ноқонуний қарорлари, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги, шунингдек, қонунчиликка зид тарзда қабул қилинган идоравий ҳужжат туфайли тадбиркорлик субъектига етказилган зарар давлат томонидан қопланадиган бўлди.**

**Давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларининг айби билан етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш эса суд қарори билан зарар етказган мансабдор шахслар зиммасига юкланиши белгилаб қўйилди.**

**Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, кейинги йилларда тадбиркорликни ривожлантиришга хизмат қилаётган ҳуқуқий база янада мустаҳкамланмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи фуқароларнинг хусусий мулкини ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини мустаҳкамлаш учун тегишли қонун ҳужжатлари яратилмоқдаки, буларнинг барчаси фуқароларимиз фаровонлигига хизмат қилаяпти.**

# Оилавий тадбиркорликка кенг йўл

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄◄

**Ўз мухбиримиз**



O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати Мухлиса Акромованинг таъкидлашича, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида «Аёллар қаноти» томонидан қатор лойиҳалар амалга оширилди. Айниқса, хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этиш, хусусан, оилавий тадбиркорлик билан шуғулланувчилар учун қулай муҳит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакат миқёсида аёлларнинг хусусий тадбиркорлик билан боғлиқ ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, оилавий тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантириш масалаларига бағишланган 2000 дан ортиқ давра суҳбатлари, учрашув ва семинар-тренинглар ўтказилиб, уларда 100 мингга яқин хотин-қизлар иштирок этдилар. Мазкур йўналишда тижорат банклари билан изчил ҳамкорлик йўлга қўйилгани амалий натижалар омили бўлмоқда.

«Мустаҳкам оила йили»да «Аёллар қаноти» томонидан ишлаб чиқилган «Оилавий тадбиркорликдан – мустаҳкам оилага» ва «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» лойиҳалари орқали эса минглаб хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этиш, уларнинг ишбилармонлик борасидаги тажриба ва кўникмаларини, сиёсий-ҳуқуқий ҳамда иқтисодий саводхонлигини оширишга муваффақ бўлинди. Энг асосийси, ушбу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, кичик бизнес соҳасига инновацион технологияларни олиб кириш, янги иш ўринлари сонини кўпайтиришдек муҳим вазифаларнинг уддасидан чиқиляпти.

Айни пайтгача юқорида номи зикр этилган лойиҳаларнинг туман ва шаҳар босқичлари муваффақиятли якунланди. Уларнинг 231 нафар иштирокчиси тижорат банкларининг умумий ҳисобда 900 млн. сўмдан зиёд ҳажмдаги кредитларини олиб, ўз бизнесини йўлга қўйиш имконига эга бўлдилар. Натижада жойларда 600 дан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Эътиборли жиҳати шундаки, банклар тақдим этаётган ушбу кредитлар асосан аёлларнинг бизнес-режаларини амалга ошириш, пировардида ишлаб чиқариш, саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаларини янада ривожлантиришга хизмат қилиши билан бирга минглаб янги иш ўринларининг яратилишига сабаб бўлмоқда.

– Мазкур лойиҳалар хотин-қизларимизга нафақат моддий, балки маънавий кўмак бериш, уларнинг дунёқарашини ўстиришга ҳам хизмат қилмоқда, – дейди O`zLiDeP Фарғона вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» бўлими мудири Гулбаҳор Турдиқулова. – Лойиҳа доирасида «Оилавий тадбиркорлик – аёллар бандлигини таъминлашнинг муҳим омили», «Оилавий тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш масалалари», «Бизнес-режа тузиш ва уни техник-иқтисодий жиҳатдан асослаш», «Тадбиркорлик фаолиятига тааллуқли қонун ҳужжатлари билан таништириш ва улар билан ишлаш» мавзуларида давра суҳбатлари ўтказилди. Вилоят мисолида айтсам, хотин-қизларимиз республикада энг кўп миқдорда кредит олишга эришдилар. Хусусан, «Микрокредитбанк» томонидан вилоятимиздаги 145 нафар аёлга 3 фоизлик имтиёзли кредитлар ажратилди. Уларнинг аксарияти Ёзёвон, Бешариқ ва Фарғона туманларида ўз бизнесини очиб, тикувчилик, асаларичилик, нонпазлик ва қандолатчиликни йўлга қўйишган. Айтайлик, фарғоналик тадбиркор аёл Гавҳар Рўзматова мазкур лойиҳа доирасида олган 3 млн. сўм кредити эвазига «Гўзаллик салони» учун янги жиҳозлар сотиб олди.

– Бугунгидек тадбирлар биз, ёшлар учун катта ҳаёт ва бизнес мактаби вазифасини ўтаяпти, – дейди Тошкент Автомобиль йўллари институтининг 4-курс талабаси, ёш тадбиркор Умида Ботирова. – Бу каби давра суҳбатларида тажрибали тадбиркор аёллар ва турли соҳа вакиллари билан учрашиб, тажриба алмашиш, бизнесни ривожлантириш йўлидаги учраётган муаммолар бўйича маслаҳатлар олаяпмиз. Ҳаттоки, қонунларга зарур ўзгартишлар киритиш бўйича таклифларимизни ҳам тегишли мутасаддиларга етказиш имконига эга бўлмоқдамиз. O`zLiDeP Миробод туман кенгаши мутасаддиларининг маслаҳати ва йўл-йўриқлари билан хусусий фирмам фаолиятини янада кенгайтирдим. Аввалига умумий овқатланиш нуқталарини юритиш билан шуғулланган бўлсам, айни пайтда автомобилларга сервис хизмати кўрсатишни йўлга қўйиш ҳаракатидаман.

Умуман олганда, «Аёллар қаноти»нинг «Оилавий тадбиркорликдан – мустаҳкам оилага» ва «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» лойиҳалари аёлларнинг кичик бизнеснинг барча жабҳаларида фаолликларини оширишга хизмат қилмоқда. Бу эса уларнинг оилалар мустаҳкамлиги ва халқ фаровонлигига муносиб ҳисса қўшишлари учун зарур иқтисодий-ҳуқуқий шароит яратмоқда.

**O`zLiDeP** электорати

# Ўрта қатлам манфаати бирламчи

***2012 йилнинг 8 ойида Самарқанд вилоят хўжалик суди томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермер ва деҳқон хўжаликларининг 766 та даъво аризаси кўриб чиқилиб, уларнинг 592 таси тадбиркорлар фойдасига қаноатлантирилди***

**Дилмурод РАЖАБОВ,**
Самарқанд вилоят хўжалик суди раиси

Натижада 15 млрд. 292 млн. сўм миқдоридаги маблағни тадбиркорлар фойдасига ундириш тўғрисида ҳал қилув қарорлари чиқарилди. Даъво аризалари мазмунидан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, тадбиркор фойдасига ҳал қилинган ишларнинг аксарияти фермер хўжаликлари ҳамда кичик бизнес субъектлари фаолияти билан боғлиқдир. Жумладан, 2012 йилнинг ўтган даврида фермер хўжаликларига доир 331 та иш кўрилган бўлса, шундан 216 таси бўйича 675 миллион сўм маблағлар фермерлар фойдасига ҳал қилинди. Хусусий тадбиркорлик субъектларига доир 402 та даъво аризасининг 346 таси эса қаноатлантирилди.

Пахтачи туманидаги «Хайробод» фермер хўжалиги «Зиёвуддин толаси» очиқ акциядорлик жамиятидан пахта хом ашёси учун тўланмаган асосий қарз, яъни 6033500 сўм маблағни ундириб беришни сўраб мурожаат қилган эди. Ишга алоқадор ҳужжатлар ўрганилганида фермер томонидан 105522000 сўмлик 143 тонна пахта хом ашёси етказиб берилгани, аммо маҳсулот ҳақи тўлиқ тўланмагани маълум бўлди. Бу масалада адлия бошқармаси ҳам даъво аризаси билан чиққан бўлиб, хўжалик судининг жавобгардан тегишли маблағни ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинган бўлса-да, бу маблағ тўланмагани боис фермер хўжалигига моддий зарар етказилган. Агар томонлар ўртасидаги контрактация шартномасига назар солсак, ундаги келишувда тўлов белгиланган муддатларда амалга оширилмаганда неустойка тўлаш белгиланган бўлиб, фермер ўз даъво аризасида пеня ундириш борасида ҳақли экани маълум бўлди.

Ана шундай ҳолатлар ҳалигача айрим корхоналарнинг фермерлар билан тузилган шартномалар бўйича ўз мажбуриятларини унутиб қўяётганларини кўрсатмоқда. Жумладан, «Оқтош Дон» ОАЖ «Мурод» фермер хўжалиги билан давлат эҳтиёжлари учун дон харид қилиш бўйича шартнома тузган бўлса-да, аммо хўжаликка уруғлик дон етказиб бермаган. Шартномага кўра, етказиб берилмаган уруғлик дон баҳосининг 15 фоизи миқдорида жарима тўланиши лозим эди. Лекин жарима вақтида тўланмагач, маблағни ундириш ҳақида суд қарори қабул қилинди. Адлия бошқармасининг Булунғур туманида фаолият юритаётган «Беҳзод» фермер хўжалиги манфаатларини кўзлаб киритган даъво аризаси ижобий ҳал этилди. Маълум бўлишича, жамият фермер хўжалигига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун минерал ўғит етказиб бериш мажбуриятини олган. Аммо бу вазифа бажарилмагани сабабли хўжаликдан 473100 сўм қарздор бўлиб қолган. «Жавоҳиржон» фермер хўжалиги даъво аризаси ҳам шу мазмунда бўлиб, суд қарорига кўра, фермер хўжалигига етказиб берилмаган минерал ўғитлар учун корхона даъвода кўрсатилган қарз маблағини тўлиқ қоплайдиган бўлди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатимизда тузилмаларнинг мурожаатларига судлар томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса тадбиркорлик субъектлари ва қишлоқ мулкдорларининг судларга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаётир.

**2012 - МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ**

# *Телекоммуникациялар, хизматлар, технологиялар*

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄◄

**Виктор НИКОЛАЕВ,**
ЎзА мухбири





Бу ахборот ва коммуникация янгиликлари соҳаси мутахассислари учун фойдали тадбирдир. Кўргазмада мамлакатимиз компанияларидан ташқари, Хитой, Германия, Жанубий Корея, Россия, Словения сингари давлатлар вакиллари ҳам қатнашмоқда. Улар мобиль тармоқлардан кенг полосали фойдаланиш хизматлари, рақамли телевидение технологиялари, телетиббиёт соҳасига оид лойиҳалар ва бошқа кўплаб янгиликларни таклиф этмоқда.

Кўргазмада Ўзбекистон ахборот технологиялари соҳасининг етакчи корхоналари, шунингдек, софтмаҳсулотлар (дастурий таъминот) ишлаб чиқарувчи IT-компаниялар, провайдерлар, телекоммуникация ускуналарини етказиб берувчилар, вазирликлар, идоралар, банк ва бошқа муассасалар вакиллари ўзининг қизиқарли стендлари ҳамда бўлимларини ташкил этган.

Айниқса, мамлакатимиз телекоммуникация бозорининг етакчиси ҳисобланган «Uzbektelecom» акциядорлик компанияси павильони кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Компания замонавий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланган ҳолда овозли алоқа, маълумотлар ва телерадиоэшиттириш дастурларини узатиш хизматлари, видеоконференц-алоқа, интернетдан фойдаланиш каби кўплаб хизмат турларини таклиф этмоқда. CDMA-450 стандартига асосланган мобиль алоқани жорий этиш ишлари давом этмоқда. Маҳаллий телекоммуникация тармоғида 2 миллион рақамни ўз ичига олган икки мингдан зиёд АТС мавжуд. Уларнинг деярли барчаси рақамли АТСлардир. Компаниянинг транспорт тармоғи кўп даражали бошқарув, тармоқнинг ўзини ўзи текшириш ва қайта тиклашини таъминлайдиган янги SDH тармоқ технологияларидан фойдаланган ҳолда, оптик-толали ва радиорелели алоқа линиялари негизида ташкил этилган.

«Newmax Technologies» масъулияти чекланган жамияти намойиш этаётган хизматлар харидорлар эътиборини ўзига кенг жалб этмоқда. Бу корхона иқтисодий фаолиятда замонавий АКТдан амалда фойдаланиш борасида намуна бўлмоқда. “Newmax Technologies” транспорт воситаларининг реал вақт режимидаги GPS-мониторинг хизматларини тақдим этаётир. “Maxtrack” тизими электрон харитада транспорт воситаси қаерда эканлигини кузатиш, ёқилғи сарфлаш қурилмалари ҳолатини назорат қилиш, автомобиллар йўналишларини таҳлил этиш, унинг қанча юргани ҳақида маълумот олиш имконини беради. Шунингдек, транспортдан ноқонуний ва мақсадсиз фойдаланиш, уни эксплуатация қилиш қоидалари, шартлари ҳамда бошқа назорат маълумотлари бузилишининг олдини олишга хизмат қилади.

Мазкур тизимни қўллаш автопаркдан фойдаланиш харажатларини камайтириш, ҳайдовчилар ишини тартибга солиш, логистика тизимини оптималлаштириш имконини беради. Яъни, диспетчер истаган пайтда автомобиль ҳаракатланаётган жойни аниқлаши мумкин.

Хитойнинг “Xuawei Technologies” компанияси – телекоммуникация ускуналари тизимларини етказиб берувчи йирик корхоналардан. У Ўзбекистон бозорида бир неча йилдан буён муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда. Компаниянинг “Huawei Tech Investment Tashkent” шўъба корхонаси директори Ван Ифань Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланаётганини юқори баҳолади. Мазкур компания соҳа корхона ва ташкилотларига кенг турдаги симсиз тармоқлар ускуналари, коммутаторлар, маршрутизаторлар, оптик қурилмалар, терминаллар, кенг полосали мобиль технологиялар, мультимедиа видеокузатув тизимлари, телекоммуникация тизимларини электр билан таъминлаш мосламалари, серверлар ва маълумотларни сақлаш тизимлари, мобиль телефонлар, смортфонлар, планшет компьютерларни таклиф этмоқда. Мамлакатимиздаги «Ucell», «Beeline», «UzMobile» каби етакчи мобиль операторлар билан самарали амалий ҳамкорликни йўлга қўйган ушбу компания уларга турли маҳсулотлар етказиб бермоқда.

Кўргазма дастури кенг ва ранг-баранг бўлиб, ундан кўплаб ўқув семинарлари, давра суҳбатлари, маҳорат сабоқлари, тақдимотлар, шунингдек, кўнгилочар тадбирлар ўрин олган. Соҳа мутахассислари Ўзбекистонда интернет-провайдингни ривожлантириш масалалари бўйича ўтказган давра суҳбатида мамлакатимизда жаҳон ахборот тармоғини янада ривожлантириш масалалари атрофлича муҳокама этилди.

Бундан ташқари, олий ўқув юртлари, коллеж ва лицейлар жамоалари ўртасида “ICT-STUDENTS” компьютер спорти универсиадасини ўтказиш режалаштирилган. Кўргазма ниҳоясида ташкилий қўмита томонидан стенд ва бўлимлари энг яхши деб топилган ғолиблар мукофотланади.

Мухтасар айтганда, намойиш этилаётган кўргазма кенг жамоатчиликка Ўзбекистонда ахборот жамиятини шакллантириш борасида эришилган муваффақиятлар билан танишиш имконини беради. Шубҳасиз, «ICTExpo- 2012» мамлакатимиз ахборот технологиялари бозорини янада ривожлантириш, мазкур соҳада халқаро ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш ва мустаҳкам амалий алоқаларни йўлга қўйишга хизмат қилади.

**Семинар**

# КАДРЛАР САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ БОРАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄◄

Мазкур семинар-тренинг давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2011 йил февраль ойида Японияга расмий ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси билан Япониянинг Саноат ва инсон ресурсларини ривожлантириш уюшмаси ўртасида кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича имзоланган ўзаро англашув ва ҳамкорликка оид меморандумга биноан ташкил этилди. Тадбирдан кўзланган асосий мақсад экспортга йўналтирилган маркетинг тизимини ташкил этиш ва корпоратив бошқариш масалалари бўйича мутахассислар малакасини оширишдан иборат. Жорий йилнинг февраль-март ойларида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси, «Тошкент трактор заводи» очиқ акциядорлик жамияти, «Ўзбекэнерго» ва «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компаниялари каби идоралар мутахассислари Японияда ташкил этилган технологик менежмент, сифат бошқаруви ва корпоратив бошқарув каби йўналишлар бўйича ўқув курсларини муваффақиятли якунлади. Анжуманда маркетинг стратегияси ва уни амалга ошириш усуллари, бу борадаги муаммоларни ҳал қилишга оид мавзулардаги маърузалар тингланди. Семинар-тренинг иштирокчилари экспортга йўналтирилган маркетинг тизимини ривожлантириш борасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш масалаларини муҳокама қилди.

**ЎзА.**

# Сурхондарё тараққиёт йўлидан дадил одимламоқда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

Фарҳод ТОШБОЕВ,
«XXI ASR»

Президентимиз ташаббуси билан 2009-2012 йилларда Сурхондарё вилоятининг саноат салоҳиятини юксалтириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва минерал хом ашёни қайта ишлаш, шу асосда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли фаровонлигини янада ошириш ҳудудий дастурининг қабул қилингани иқтисодиётнинг жадал ўсишида муҳим омил бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ана шу муҳим ҳужжат асосида корхоналар техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилингани натижасида пахта, пилла хом ашёси вилоятнинг ўзида қайта ишлана бошланди. Гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш, замонавий усулда қадоқлаш йўлга қўйилгани, фармацевтика маҳсулотлари, турли қурилишбоп материаллар воҳанинг ўзида ишлаб чиқарилаётгани, нефт-газ, кўмир, цемент каби ер ости бойликлари ўзлаштирилаётгани аҳоли бандлигини таъминлаш имкониятларини кескин оширди.

Масалан, 2012 йилнинг биринчи ярмида вилоят инвестиция дастурига мувофиқ, Узун туманидаги "Жавоҳир" савдо ишлаб чиқариш корхонасида қиймати 566,0 минг АҚШ долларига тенг бўлган сут маҳсулотларини қайта ишлаш, Шеробод туманида эса чинни маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилди. Шўрчи туманида йилига 72 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирадиган иссиқхона фойдаланишга топширилди. Янги қувватларни ишга тушириш эвазига Денов туманидаги "Само Юлдузи" савдо ишлаб чиқариш корхонасида 70, Термиз шаҳридаги Ўзбекистон-Хитой "Inter Silk Pro" қўшма корхонасида 50 та янги иш ўрни ташкил этилди. Қумқўрғондаги "Сурхон шифер" хусусий, Термиз шаҳридаги Ўзбекистон-Ҳиндистон "Ново-Фарм" қўшма корхоналарини модернизация қилиш эвазига 70 нафарга яқин киши иш билан таъминланди.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани вилоят ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларини юксалтириш имконини бераяпти, — дейди Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари, O'zLiDeP аъзоси Ҳайдар Абдурасулов. — Бундай натижалар "Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти" мавзуидаги халқаро конференцияда ҳам алоҳида эътироф этилгани бежиз эмас. Айни пайтда вилоятда 27 мингдан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти бўлиб, йилнинг биринчи ярмида уларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 61,2 фоизни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,4 фоизга кўпдир. Шу ўринда таҳлилчилар томонидан хусусий секторда 24 минг 600 та янги иш ўрни ташкил этилгани таъкидланаётганини айтиш мумкин.



**СУРХОНДАРЁДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИККА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАЁТГАНИ БОИС ВИЛОЯТ ИҚТИСОДИЁТИДА БАНД АҲОЛИНИНГ 71,3 ФОИЗИ АЙНАН АНА ШУ СЕКТОРДА МЕҲНАТ ҚИЛАЁТИР. БУ ФИКРНИ 2012 ЙИЛНИНГ 8 ОЙИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИККА 127 МИЛЛИАРД 196 МИЛЛИОН СЎМ КРЕДИТ АЖРАТИЛГАНИДА ҲАМ КЎРИШ МУМКИН.**

Жумладан, Термиз шаҳридаги "Шоҳжаҳон Чориев" хусусий корхонаси савдо ва умумий овқатланиш соҳасини ривожлантириш эвазига 15 кишини иш билан таъминлади. Денов туманидаги "Аслиддин-Транс-Авто" масъулияти чекланган жамиятида 16, Узун туманидаги "Кавсар-Мадад" хусусий корхонасида 20 киши ишга қабул қилинди. Термиз шаҳридаги "Саховат ипак сервис" масъулияти чекланган жамияти эса икки қаватли замонавий меҳмонхонани ишга тушириб, 25 та янги иш ўрни яратди.

— Мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш учун барча имкониятлардан фойдаланаяпмиз, — дейди "Саховат ипак сервис" масъулияти чекланган жамияти бошқаруви раиси, O'zLiDeP аъзоси Баҳром Шарипов. — Айни пайтда меҳмонларга бассейн, сауна, сартарошхона, ресторан ва тиббиёт хонаси хизмат кўрсатаяпти. Хорижлик меҳмонлар учун эса чет тилларини мукаммал биладиган мутахассислар ишга олинди.

Жорий йилнинг ўтган даврида воҳада юзга яқин савдо дўкони, ўттиздан ортиқ умумий овқатланиш корхонаси, гузар типидаги савдо марказлари, 170 дан зиёд маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ва 50 та бошқа хизматлар кўрсатувчи нуқталар фойдаланишга топширилган бўлса, уларнинг 300 дан ортиғи қишлоқларда қад ростлаганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Улар томонидан олти ойда аҳолига 712,8 миллиард сўмлик хизмат кўрсатилиб, бу кўрсаткич аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 321,4 минг сўмни ташкил этди.

Ҳа, чиндан ҳам Сурхондарёда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка алоҳида эътибор қаратилаётгани боис вилоят иқтисодиётида банд аҳолининг 71,3 фоизи айнан ана шу секторда меҳнат қилаётир. Бу фикр тасдиғини 2012 йилнинг 8 ойида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга тижорат банклари томонидан 127 миллиард 196 миллион сўм кредит ажратилганида ҳам кўриш мумкин.

Шу ўринда мустақиллигимизнинг 21 йиллик байрами арафасида вилоятда 12 та коллеж ва умумтаълим мактаби капитал, олтита умумтаълим мактаби реконструкция қилинганини таъкидлаш лозим. 4 та касб-ҳунар коллежида эса замонавий ётоқхона ишга туширилди. 34 та қишлоқ аҳоли пункти тоза ичимлик суви билан таъминланди. 4 та умумтаълим мактабида барча қулайликларга эга болалар учун спорт иншооти барпо этилди.

Сурхон воҳасида қишлоқ хўжалиги ҳам йилдан-йилга сердаромад тармоққа айланмоқда. Бунга фермерлик ҳаракатининг жадал ривожланаётгани, экин майдонлари оптималлаштирилиб, ернинг ҳақиқий эгаларига ўтгани асосий омил бўлаяпти. Айни пайтда вилоятда 4 минг 951 та фермер хўжалиги бўлиб, уларнинг 2 минг 490 таси пахтачилик ва ғаллачилик, 1 минг 576 таси боғдорчилик ва узумчилик, 701 таси чорвачилик, 184 таси қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида фаолият юритмоқда. Бу йил вилоят фермерлари 119,6 минг гектар майдонда "Бухоро-102", "Наманган-77", "Султон", "Бешқаҳрамон" каби воҳа иқлимига мос ва тезпишар ғўза ниҳолларини парваришлаб, мўл ҳосил етиштирдилар. Айни кунларда далаларда йиғим-терим қизғин давом этаётир. Сурхондарёлик ғаллакорлар 98,0 минг гектар сувли майдонда бошоқли дон етиштириб, шартномавий режани ортиғи билан уддаладилар. Мавжуд майдонлардан 600 минг тоннадан ортиқ сара дон олинди. Пиллачиликда эса ўртача ҳосил 50-55 килограммни ташкил этиб, 1 минг 473 тоннадан зиёд пилла хом ашёси етиштирилди. Айни пайтда етиштирилаётган пилла "Сурхон-Термиз-Силк" хусусий корхонаси ва "Интер Силк Про" қўшма корхонасида қайта ишланмоқда.

Шу ўринда қишлоқ мулкдорлари ихтиёрида 10,9 гектар ҳосилдор мевали боғ, 12,9 гектар узумзор борлигини таъкидлаш лозим. 2011 йилнинг кузи ва шу йил баҳорида яна 395,3 гектар мевали боғ, 1 минг 500 гектардан ортиқ янги токзор барпо этилди. Шу билан бирга 215 гектар майдонда хориж технологияси асосида интенсив боғ яратилди.

— O'zLiDeP электорати бўлган ўнга яқин фермерларимиз 70 гектар майдонда интенсив боғ парвариш қилмоқдалар, — дейди O'zLiDeP Сариосиё туман кенгаши раиси Холбобо Соҳибов. — Ўтган йили экилган ниҳоллардан бу йил мўл ҳосил олинаяпти. Боғдорчиликда бундай илғор тажрибаларни оммалаштириш аҳолини арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имконини бермоқда.

Бу йил боғбонларимиз мавжуд майдонлардан 124,1 тоннадан ортиқ мева, 106,1 тонна узум йиғиб олишни режалаштирганлар.

Бир сўз билан айтганда, Сурхон воҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар юрт ободлиги ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш, уларнинг турмуш даражасини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда. Бу жараёнда эса O'zLiDeP аъзолари ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

«Пахта - 2012»

## ШИФОКОРЛАР — ПАХТАКОРЛАР ХИЗМАТИДА

Фарғона вилоятида пахта етиштириш борасида бой тажриба тўпланган. Жорий йилда ҳам эрта баҳорда қадалган чигит бир текис ундириб олинди. Ғўзани сифатли культивация қилиш, маҳаллий ўғитлар билан озиқлантириш, тунги суғориш ва зараркунандаларга қарши кимёвий ва биологик усулда курашиш ишлари қатъий агротехник талаблар асосида олиб борилди. Ғўза чеканкаси ва дефолиация тадбирлари ўз вақтида сифатли амалга оширилди. Айни кунларда пахтакорлар етиштирилган мўл ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Даланинг ўзида пахтакорлар учун барча зарур шарт-шароитлар яратилиб, савдо, маданий-маиший ва тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, айни кунларда теримчиларга 400 нафардан ортиқ тажрибали шифокор ва 700 ҳамшира тиббий хизмат кўрсатмоқда.

— Мавсум давомида теримчиларга қулай шарт-шароитлар яратиб бериш, айниқса, уларнинг соғлиғини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Тўйчибой Саримсоқов. — Бу ишга малакали тиббиёт ходимлари жалб этилган. Тегишли дала шийпонлари зарур дори-дармонлар билан таъминланган.

Барча жойларга махсус тез тиббий ёрдам автомашиналари бириктирилган. Тиббиёт ходимлари теримчиларнинг соғлиғини кузатиш баробарида озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва сақланиши, озодалик ва бошқа санитария ҳолатларини ҳам назорат қилмоқда. Пахтакорларнинг мазмунли дам олишини ташкил этиш учун шийпонларда таниқли маданият ходимлари, олимлар, ёзувчи ва шоирлардан иборат гуруҳлар иштирокида қизиқарли учрашувлар, кўнгилочар тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

**М. СУЛАЙМОНОВ, ЎзА мухбири.**

**Диплом билан** — бизнесга:

# Истиқболли лойиҳалардан — амалий ишларга

***O'zLiDeP ташаббуси билан касб-ҳунар коллежлари талабалари ўртасида ўтказилаётган анъанавий "Диплом билан — бизнесга" лойиҳаси Наманган вилоятида ҳам ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, уларда ишбилармонлик кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилаётир***






Шуҳрат РАҲИМОВ,
«XXI ASR»

— Бу галги танловга ҳар сафаргидан-да, жиддий тайёргарлик кўриб, аввалги йиллардагига нисбатан кўпроқ талабаларни қамраб олишга эътибор қаратдик, — дейди O'zLiDeP Наманган вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Мусохон Юсуфжонов. — Унда касб-ҳунар коллежларидан 150 нафарга яқин иқтидорли талаба фаол иштирок этгани ҳам саъй-ҳаракатларимиз самарасиз кетмаганини кўрсатиб турибди. Яқин истиқболдаги марраларни кўзлаган ҳолда ишлаб чиқилган "Диплом билан — бизнесга" лойиҳаси нафақат вилоятимиздаги ёшлар, балки уларнинг ота-оналари ва устозларига ҳам манзур бўлаяпти. Қувонарлиси шундаки, бу йилги танловда қатнашган талабалардан 17 нафарининг бизнес-режаси мутахассислар томонидан амалиётга татбиқ этишга лойиқ, деб топилди. Ва уларга молия муассасаларидан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Танлов ташкилотчилари ташаббусига кўра, банк сертификатларини қўлга киритган талабаларга амалий кўмак бериш мақсадида уларнинг ҳар бирига O'zLiDePдан маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар бириктирилгани тадбиркорлик фаолиятини эндигина бошлаётган ёшларнинг руҳини янада кўтарди. Аксарият талабаларнинг ажратилган кредитдан оқилона фойдаланган ҳолда ўз ишини йўлга қўйгани ана шундай ҳамкорлик натижаси бўлди.

**БИЗНЕС-РЕЖАМ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРДАН ИБОРАТ ҲАЙЪАТ АЪЗОЛАРИГА МАЪҚУЛ БЎЛДИ ВА «МИКРОКРЕДИТБАНК» ТУМАН БЎЛИМИ ТОМОНИДАН 5 МЛН. СЎМ МИҚДОРИДА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ АЖРАТИЛДИ.**

— Дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи кескин ошиб бораётган бир пайтда аҳолини арзон ва сифатли гўшт-сут маҳсулотлари билан таъминлаш долзарб масалалардан бирига айлангани ҳеч кимга сир эмас, — дейди Уйчи туманидаги Ғайрат педагогика касб-ҳунар коллежи талабаси Нигора Жўрабоева. — Юртимизда чорвачиликни жадал ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганининг боиси ҳам шунда. Шунинг учун ҳам ўз бизнес-режамда мини-ферма ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чиқиб, танлов ташкилотчиларига топширган эдим. Интилишларим зое кетмади. Бизнес-режам малакали мутахассислардан иборат ҳайъат аъзоларига маъқул бўлди ва «Микрокредитбанк» туман бўлими томонидан 5 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди. Бундай рағбат эса тадбиркорлик фаолиятимни бошлашга катта туртки берди. Албатта, бу ишни ёлғиз ўзим бажара олмайман. Шунинг учун шижоатли тенгдошларимни чорлаб, уларни ҳам иш билан таъминладим.

— Қишлоқда яшаганим учун маҳаллий шароитни, қайси хизмат турларига эҳтиёж юқори эканини яхши биламан, — дейди Уйчи туманидаги Ёрқўрғон иқтисодиёт ва компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи талабаси Аъзамжон Турғунов. — Қишлоқда замонавий технология асосида ишлайдиган тегирмонга эҳтиёж катта. Шуни инобатга олиб, тегирмон цехи очиш бўйича бизнес-режа тайёрлаб, "Диплом билан — бизнесга" лойиҳасида қатнашдим. Ҳисоб-китобларимни атрофлича кўриб чиққан мутахассислар уни қишлоқ шароитидаги энг истиқболли лойиҳалардан бири, деб баҳолашди. Ана шу хулоса асосида «Микрокредитбанк»дан 3 млн. 500 минг сўм миқдорида кредит ажратилди. Маблағни олишим билан зарур ускуналарни харид қилиб, ишни бошлаб юбордим. Хизмат сифати ва тезкорлиги кўпчиликка маъқул тушди шекилли ҳозир қўшни қишлоқлардан ҳам буюртмалар тушаяпти.

— Бугун аҳоли, айниқса, ёшларнинг кийиниш маданияти, бежирим либосларга бўлган талаб ва эҳтиёжи тобора ўсиб бормоқда, — дейди Тўрақўрғон қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи талабаси Нигора Нажмиддинова. — Уларга манзур бўладиган, миллий ва замонавий услублар уйғунлигидаги кийимлар тикиш ҳар бир чеварнинг орзуси. Мен ҳам ана шундай эзгу ниятларни рўёбга чиқариш мақсадида тикувчилик цехи очиш бўйича бизнес-режа тайёрладим. Уни қандай амалга ошириш йўллари, молиялаштириш манбалари, яратиладиган ишчи ўринларигача аниқ кўрсатдим. "Диплом билан — бизнесга" лойиҳасида қатнашишим эса имтиёзли кредит олиш учун шароит яратиб берди. Бизнес-режам танловда тасдиқлангандан кейин «Микрокредитбанк»дан 3 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди. Тез кунларда цехни ишга тушириб, мижозларга хуш ёқадиган либослар тикиш ниятидаман.

Худди шундай фикрларни Наманган туман Тепақўрғон педагогика ва сервис касб-ҳунар коллежи талабаси Муҳриддин Раҳимов, Тўрақўрғон туман Хўжанд автотранспорт касб-ҳунар коллежи талабаси Неъматжон Муҳиддинов, Янгиқўрғон ижтимоий-иқтисодиёт ва педагогика коллежи талабаси Нодира Мухторжонова ҳам баён этдилар. Улар паррандачилик, чорвачилик, тикувчилик ва бошқа хил тадбиркорлик йўналишлари бўйича банк кредитлари олганларидан мамнунликларини билдирмоқдалар.

Бу — O'zLiDeP томонидан амалга оширилаётган ҳаётий лойиҳаларнинг вилоятдаги самараси, албатта.



**ҚАНДОЛАТ ВА НОН МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИГАН**
«Алсаид Элегант» хусусий корхонасида бошланғич партия ташкилоти иш бошлади. O`zLiDeP Қўрғонтепа туман кенгаши тизимидаги ушбу БПТ 12 нафар аъзони ўз сафига қабул қилди.





**O'ZLIDEP МЎЙНОҚ ТУМАН КЕНГАШИДА**
БПТ раислари ва фаоллари иштирокида «Миллий ўзликни англаш ва ёшларни огоҳликка даъват этиш» мавзуида семинар бўлиб ўтди. Ушбу муҳим тадбир Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби асосида ташкил этилди.





**ТЕРМИЗ ШАҲРИДАГИ «СУРХОН-ЗИЁ МАШЪАЛИ»**
ширкат хўжалиги қошида 9 нафар O`zLiDeP аъзосидан иборат янги БПТ ташкил этилиб, унга хўжалик раҳбари Саодат Намозова етакчиликка сайланди.


# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

39 (463)-сон

e-mail: axborotXXIasr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

2012 йил 27 сентябрь, пайшанба


# Қуйи бўғинлар фаолияти давр талабига мослаштирилиши шарт

***Бекободда «Бошланғич ташкилот — партия асоси: имкониятлар таҳлили ва фаолиятини такомиллаштириш» акцияси доирасида ташкил этилган давра суҳбатида қуйи бўғинлар фаолияти Тошкент вилоятидаги бошланғич ташкилотлар мисолида атрофлича муҳокама қилинди***


**Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ,**
«XXI ASR»


Бекобод металлургия комбинатида ишлаб чиқаришга инвестицияларни жалб этиш жараёни билан танишишдан бошланган анжуманда 175 мингдан ортиқ партия аъзосини бирлаштириб турган 7713 та бошланғич ташкилот фаолиятини том маънода кучли бўғинга айлантириш, бу борада, айниқса, БПТ етакчилари малакасини ошириш, маҳаллий кенгаш депутатлари билан улар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш орқали ташкилий-партиявий ишлар самарадорлигини ошириш муҳим масалалардан бири эканлиги таъкидланди.

Давра суҳбатида Тошкент вилоятида 11418 аъзо 585 та БПТга бирлашган ҳолда иш олиб бораётгани, Бекобод туманида 28 та бошланғич ташкилот самарали фаолият кўрсатаётганини таъкидланди. Энг муҳими, уларнинг аксарияти аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш, партия электорати вакилларининг фаолиятини ривожлантириш борасида ибратли ишларни амалга оширмоқда.

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Муҳаммадюсуф Тешабоевнинг таъкидлашича, давлат бошқарувини янгилаш ва мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг мавқеини кучайтиришга қаратилган ўзгаришлар бошланғич ташкилот етакчиларидан ўз фаолиятларига нисбатан янгича ёндашувларни талаб этмоқда.

— Эндиликда эскича ишлашни ҳам, эскича фикрлашни ҳам замон кўтармайди, — деди М.Тешабоев. — Биз бугун барча жабҳадаги ўзгаришларга тайёр туришимиз, етакчи партия нуфузига муносиб равишда иш олиб боришимиз шарт. Бу жараёнда партия кадрлар захирасини муносиб номзодлар билан тўлдириш лозим бўлади. Гарчи кадрлар захирасини яратиш дастури асосида 5335 нафар номзод давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ижроия органларидаги раҳбарлик лавозимларига, шунингдек, 20 минг нафарга яқини турли хил партия лавозимларига ўрганилиб, кадрлар захирасига олинган бўлса-да, аммо Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари тизимидаги БПТлар таркиби сифат ва сон жиҳатдан таҳлил қилинганда бу борада тизимли ишлар олиб борилмаётгани, ҳудудий партия ташкилотларида БПТлар билан ишлашда ўзаро ҳамкорлик механизми йўқлиги аниқланди. Масалан, бирон-бир ташкилотдаги БПТ раҳбари бошқа ишга ўтиб кетса, қуйи бўғин ўз фаолиятини батамом тўхтатиши ҳолатлари кузатилаяпти. БПТларнинг айримлари эса объектив ва субъектив сабабларга кўра фаолият юритмаяпти. Бу партия ишида аҳолининг муайян қатламлари қамраб олинмаганини кўрсатади, албатта.

Шу ўринда БПТларнинг аксарияти асосан туман марказларидаги идора ва ташкилотларда очилганини, чекка ҳудудларда улар фаолияти талаб даражасида эмаслигидан ҳам жиддий хулосалар чиқариш лозим.

Тошкент вилоятидаги бошланғич ташкилотларнинг 2011 ва 2012 йилдаги фаолияти таҳлил қилинганида эса улар ўз имкониятларидан тўла фойдаланишмаётгани маълум бўлди. Зеро, қуйи бўғинларда сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-маърифий ишларни кучайтириш, партиянинг ғоя ва мақсадлари, дастурий вазифаларини кенг тарғиб этишда ҳам кутилган натижаларга эришилмаяпти. Давра суҳбатида Бекобод туманидаги БПТлар фаолиятидаги ана шундай камчиликлар мавжудлигига эътибор қаратилди. Аксарият бошланғич ташкилотлар аҳолининг турли қатлам вакиллари, тадбиркор ва ишбилармонлар, фермерларнинг қонуний манфаатларини ифода этиш учун юқори партия ташкилоти ва маҳаллий кенгаш депутатларига мурожаат қилмаяптилар.

Шу ўринда «Бошланғич ташкилот — партия асоси: имкониятлар таҳлили ва фаолиятини такомиллаштириш» акцияси БПТлар фаолиятида қўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда йўл қўйилган камчиликларни ҳам чуқур таҳлил этиш имконини берганини таъкидлаш лозим.

Мазкур акциянинг биринчи босқичида ташкилий масалалар кўриб чиқилган бўлса, иккинчи босқичда БПТ етакчиларини танлаш, кадрлар захираси ҳамда иш юритиш тизимини такомиллаштириш масалаларига асосий эътибор қаратилди. Қуйи бўғинлар ва уларнинг етакчилари билан мустаҳкам ҳамда изчил муносабатларни шакллантириш, БПТ фаоллари орасидан танлаб олинган, электоратни ўз ортидан эргаштира оладиган муносиб номзодларни O`zLiDeP кадрлар захирасига олиш масаласига оид чора-тадбирлар белгиланди.

Мазкур чора-тадбирлар натижасида юқори партия ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган партиявий кўрсатма асосида партиянинг ҳудудий кенгашлари халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлари ўз соҳалари бўйича БПТларга бириктириб қўйилди. Натижада маҳаллий кенгаш депутатлар электорат билан доимий алоқада бўлиб, уларнинг муаммо ва камчиликларидан ўз вақтида хабардор бўлишлари таъминланди. Пировардида БПТларнинг турли ижтимоий қатламларнинг манфаатларини ифодаловчи ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий масалалар бўйича юқори партия ташкилотига ҳамда ўзига бириктирилган депутатга доимий тарзда таҳлилий материал ва таклифлар тақдим этиб бориши, зарур ҳолларда депутатлик гуруҳлари муҳокамасига киритиши белгилаб қўйилди.




**ДАВРА СУҲБАТИДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА 11418 НАФАР АЪЗО 585 ТА** БПТГА БИРЛАШГАН ҲОЛДА ИШ ОЛИБ БОРАЁТГАНИ, ЭНГ МУҲИМИ, УЛАРНИНГ АКСАРИЯТИ АҲОЛИНИНГ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАРИНИ ОШИРИШ, ПАРТИЯ ЭЛЕКТОРАТИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ КЕНГАЙТИРИШ БОРАСИДА ИБРАТЛИ ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАЁТГАНИ ТАЪКИДЛАНДИ.

Умуман олганда, Бекобод туманида ўтказилган давра суҳбати қатнашчилар учун жуда фойдали ва катта амалий аҳамиятга эга бўлди.

— Бу тадбир ишимизни қайтадан кўриб чиқишга ундаб, бошланғич ташкилотлар ва электорат билан алоқаларни мустаҳкамлаш борасидаги масъулиятимизни янада оширишга хизмат қилди, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Абдухолиқ Жабборов. — Бугун тилга олинган муаммоларнинг бир учи депутатларга бориб тақалиши ҳам рост гап. Шу боис партиямизнинг асоси бўлмиш қуйи бўғинлар билан ҳамкорликни кучайтириш, уларнинг таклиф ва мулоҳазаларини юқори даражага олиб чиқиш ва қонун доирасида ҳал этиш учун мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Тадбир сўнггида иштирокчилар «Сафарҳожи-инвест» корхонасида бўлиб, унинг фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида корхона аъзолари билан учрашув ўтказишди. Бу ердаги савол-жавоблар чоғида ҳам БПТлар фаолиятига оид қатор масалалар муҳокама қилиниб, муҳим таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди.

# Кармана чирой очмоқда

***Навоий вилоятининг кўп минг йиллик тарихга эга бўлган Кармана тумани истиқлол йилларида том маънода тараққий этди. Кенг ва равон кўчалар, янги ва замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, турли маданий-маиший объектлар ҳамда намунавий лойиҳа асосида қурилаётган турар-жой бинолари Буюк Ипак йўлида жойлашган қадим гўшани замонавий масканга айлантириш имконини берди***


**Мансур АСЛОНОВ,**
«XXI ASR»


— Кармананинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида 31 та бошланғич ташкилотга бирлашган 548 нафар O`zLiDeP аъзосининг ҳам ҳиссаси бор, албатта. Айниқса, партия ташкил топган пайтдаёқ ўз фаолиятини бошлаган туман Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги бошланғич ташкилот ишини алоҳида таъкидлаш лозим, — дейди O`zLiDeP туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Зиёдулла Рўзиев. — БПТга тажрибали мутахассис Улуғбек Ҳамидов раҳбарлик қилаяпти. Бошланғич ташкилотнинг Баҳриддин Убайдуллаев, Мақсуда Ҳамроева, Наргиза Нозимова сингари аъзолари эса O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан тақдим этилаётган лойиҳаларни жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш, уларни амалга ошириш, қолаверса, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ҳам фаоллик кўрсатишмоқда. Хусусан, улар «O`zLiDeP бошланғич ташкилотларининг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ривожланишида тутган ўрни» ҳамда «БПТлар — либерал-демократик ғоялар тарғиботчиси» мавзуидаги семинарларни ўтказишда ҳам фаоллик кўрсатишаяпти. “Агробанк”нинг вилоят филиали, вилоят фермер хўжаликлари уюшмаси, туман ССП консалтинг хизмати маркази, “Камолот” ЁИҲ туман кенгашлари билан ҳамкорликда ўтказилган “Диплом билан — бизнесга” лойиҳаси доирасидаги ўқув-семинарларда эса коллежларнинг 30 нафарга яқин битирувчиси иштирок этди. Бизнес лойиҳалар ҳакамлар ҳайъати томонидан пухта ўрганилгач, уларнинг 10 нафарига вилоят босқичида иштирок этиш учун йўлланма берилди. Ана шу танловда муваффақиятли қатнашган Моҳира Юсупова банкнинг 1,8 миллион сўмлик имтиёзли кредитини қўлга киритиб, тикувчилик бўйича тадбиркорлик фаолиятини бошлаб юборди. Фаолларимиз кўмагида олиб борилаётган ишлар натижасида БПТлар сони 2 тага ортди, сафдошларимиз эса 29 нафарга кўпайди.

— Фаолиятимиз асосан тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган фуқаролар билан боғлиқлиги боис улар орасида партия ғояларини тарғиб қилишга кўпроқ эътибор қаратаяпмиз, — дейди Улуғбек Ҳамидов. — Зеро, икки йилдан буён ўтказилаётган “Бошланғич ташкилот — партия асоси: имкониятлар таҳлили ва фаолиятини такомиллаштириш” мавзуидаги акция бошланғич ташкилотлар ишини тубдан яхшилаш, уларни тарғибот-ташвиқот материаллари, илмий-услубий қўлланмалар билан таъминлаш, БПТ етакчилари ва аъзолари малакасини ошириш масалаларида ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар борлигини кўрсатди. Бугун БПТга бирлашган 30 нафар сафдошимиз турли корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият олиб бормоқдалар. Ана шу жамоалардаги учрашув, мулоқот, давра суҳбати ва бошқа тадбирларда Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асарини ўрганиш ҳамда Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган вазифалар ижросига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари, партия ғоя ва мақсадларини жамоатчиликка етказиш, ёшларни турли диний-экстремистик оқимлардан ҳимоя қилиш, гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш масалалари хусусида сўз юритилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар Кармана туманида ҳам ҳаётга жадал жорий этилаётгани, энг асосийси, юртдошларимизнинг турмуш фаровонлиги кундан-кунга яхшиланиб бораётганлигида мазкур бошланғич ташкилот аъзоларининг ҳам ўзига хос улуши борлиги шубҳасиздир.

## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ:

**O`zLiDeP «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» ҳамда партия дастурида назарда тутилган устувор вазифалар доирасида «Ёш олимлар ва тадқиқотчилар танлови» ўтказишини маълум қилади.**

Танлов ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, улар билан ҳамкорликда ўрта ва узоқ муддатли истиқболда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг қонунчилик, меъёрий-ҳуқуқий базасини чуқурлаштиришга оид дастурий мақсад ва вазифаларни муҳокама этиш, партия кадрлар захирасига иқтидорли ёшларни жалб этиш, уларнинг касбий, ижодий ва хизмат соҳаларида ўсишлари учун имконият яратиш мақсадида ташкил этилмоқда.

Танловда 35 ёшгача бўлган, турли соҳаларда илмий изланишлар олиб бораётган мутахассислар ва тадқиқотчи олимлар иштирок этишлари мумкин.

**Танлов иштирокчиларига қуйидаги долзарб йўналишлар бўйича ёзма илмий ишлари билан қатнашиш таклиф этилади:**

I. Давлат ва жамият бошқарувини демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш соҳасида.
II. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш соҳасида.
III. Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш соҳасида.

**Танлов ғолибларига барча йўналишлар бўйича энг яхши ишлар учун қуйидаги мукофотлар ажратилган.**

1-ўрин учун – ноутбук;
2-ўрин учун – компьютер;
3-ўрин учун – нетбук.

Бундан ташқари, O`zLiDeP томонидан рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам таъсис этилган.

**Танлов ҳақидаги тўлиқ маълумотни WWW.uzlidep.uz сайтидан олишингиз ва қўшимча ахборот учун (8371) 255-48-17 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.**


Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида 2013 ЙИЛ УЧУН
XXI ASR
ижтимоий-сиёсий газетасига
ОБУНА
бошланди.



Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80

# Тадбиркорга мададкормиз

Реклама ўрнида

***Давлат-тижорат Халқ банкининг Сирдарё вилоят филиали мижозлар ишончини қозониш, мулк шаклидан қатъий назар, барча тадбиркорлик субъектларига сифатли хизмат кўрсатиш, юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш учун барча имкониятлардан фойдаланмоқда***

XALQ BANKI



Жумладан, банкнинг микромолиялаш соҳасидаги фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Агар 2011 йил 1 июнь ҳолатига кредит портфели 49 миллиард 306 миллион сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг айни даврида ушбу кўрсаткич 59 миллиард сўмга етди. Муҳими, банк тадбиркорлик фаолиятини бошлаш, оилавий бизнесни йўлга қўйиш истагида бўлган юртдошларимиз учун молиявий таянч вазифасини ўтамоқда. Натижада жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига оилавий тадбиркорлар ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун 241 миллион сўм миқдорида кредит маблағи ажратилди. Вилоятдаги 64 нафар мижоз ана шундай имкониятга эга бўлди. Оилавий бизнес билан шуғулланиб, рўзғорини обод қилаётганлардан бири Сирдарё шаҳрида яшовчи Анвар Мамедовдир.

— Биз қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариб, ички бозорни арзонлаштиришга озми-кўпми ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз, — дейди у. — Оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш ва ривожлантиришда давлат-тижорат Халқ банкининг вилоят филиали томонидан ажратилган 25 миллион сўм миқдоридаги кредит биз учун катта мадад бўлди. Қисқа вақт орасида бундай натижаларга эришамиз, деб ўйламагандик. Ҳамма гап меҳнат ва изланишда экан. Ҳозирда кутганимиздан ҳам кўпроқ фойда ола бошладик.

Ҳақиқатан ҳам, банк филиали ўз фаолият доирасини тобора кенгайтириб, мижозлар ишончини қозонаяпти. Ўтган йилнинг 1 июнь ҳолатига ишбилармон аёлларга салкам 730 миллион сўм кредит берилган бўлса, жорий йилнинг айни даврида ажратилган сармоя миқдори 966 миллион сўмни ташкил этди. Шунинг ўзидан ҳам кўриниб турибдики, вилоят хотин-қизлари ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларни ҳар томонлама молиявий қўллаб-қувватлаш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда.

Яна бир гапни алоҳида таъкидлаш жоиз. Айни пайтда банк иқтисодий ночор, кам қувватли корхоналарни молиявий соғломлаштиришга ҳам жиддий эътибор қаратмоқда. Чунончи, бир вақтлар «ўтириб» қолган "Ҳимолай чўққиси сари" фермер хўжалигининг мева ҳамда сабзавот маҳсулотларини узоқ муддатга сақлашга мўлжалланган бизнес лойиҳаси банк кўмаги орқали амалга оширилди. Бошқача айтганда, ушбу хўжалик банк томонидан ажратилган 200 миллион сўмлик кредит эвазига йилига 200 тонна маҳсулотни сақлайдиган замонавий совутгичга эга бўлди. Ҳозирда вилоятда етиштирилаётган сабзавот-полиз маҳсулотларини харидорларга уринтирмасдан, сифатли етказиб беришда қўл келмоқда.

Сирдарё шаҳридаги "Сирдарё автобус саройи" масъулияти чекланган жамияти ҳам ушбу банкнинг доимий мижозларидан биридир. Жамият банк филиалининг ёрдами туфайли ўз иқтисодий имкониятларини кенгайтирмоқда. Чунончи, яқинда ажратилган 228 миллион сўм кредит маблағи эвазига 10 та янги «Дамас» автомашинаси харид қилинди. Айни кунда ушбу автоуловлар вилоятдаги йўловчилар узоғини яқин қилмоқда.

— Биз ўз бизнес лойиҳамизни амалга оширишда Халқ банки билан ҳамкорлик қилиб, тўғри йўл танлаган эканмиз, — дейди Ховос туманидаги "Чевар Мафтуна нафис" шўъба корхонаси раҳбари Б.Ўролов. — Негаки, ушбу банкда мижозлар талаб-эҳтиёжига сезгирлик билан муносабатда бўлинади. Хизмат маданияти ҳам юқори. Бизнес лойиҳамизга келсак, биз асосан болалар кийим-кечаклари ишлаб чиқаришни режалаштирганмиз. Йилига 400 миллион сўмлик трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган замонавий ускуналарни харид қилдик. Бу борада Халқ банки вилоят филиали томонидан ажратилган 210 миллион сўмлик кредит маблағи жуда қўл келди. Шу ҳисобдан 120 га яқин янги иш ўрни ташкил этилди.

Маълумки, жорий йилда юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққиётига катта эътибор қаратилмоқда. Халқ банки филиали ҳам шундан келиб чиқиб, «Мустаҳкам оила йили»да белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун барча имкониятлардан фойдаланаяпти. Зеро, кичик бизнес нафақат иқтисодиётни мустаҳкамловчи омил, балки оилалар турмуш фаровонлиги кафолати ҳамдир. Жорий йилнинг ўтган ярми мобайнида ушбу соҳага салкам 8,5 миллиард сўм кредит ажратилгани натижасида 550 га яқин янги иш ўрни яратилди. Тадбиркорларнинг бошқа йўналишлардаги истиқболли лойиҳалари ҳам банк томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Мисол учун, Президентимизнинг "Мамлакатимизданоозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан тадбиркорлик субъектларига 1.443,3 миллион сўм, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун эса 1.002,5 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Натижада ҳар иккала йўналиш бўйича 150 га яқин янги иш ўрни ташкил этилди.

Албатта, банк сармояларининг ишлаб чиқаришни модернизациялаш, замонавий технологиялар харид қилиш каби аниқ мақсадларга йўналтирилаётгани диққатга моликдир. Шу ҳисобдан мижозларга кўрсатилаётган хизмат қамрови ҳам кенгаймоқда. Ҳозир вилоятда давлат-тижорат Халқ банкининг 7 та мини банки, 35 та шохобчаси, 19 та махсус кассаси фаолият кўрсатаяпти. 71043 та пластик карточка муомалага чиқарилгани, вилоят бўйича 824 та ҳисоб-китоб терминали ўрнатилгани, 91 та пайнет тизими, 20 та "Омад-лотто" телеўйини шохобчаси ишлаб тургани ҳам банкда хизмат маданияти замон талаблари даражасида ташкил этилганидан нишонадир.

Бир сўз билан айтганда, Халқ банкининг Сирдарё вилояти филиали жамоаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш йўлида астойдил меҳнат қилиб, мижозлар ишончини қозонмоқда. Бу эса янгидан-янги ютуқларга йўл очаётир.

**Банк матбуот хизмати.**

KAPITALBANK

## Сармоялар — иқтисодиётнинг устувор соҳаларига

***Кейинги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, жойларда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бу, шубҳасиз, ўз самарасини бераётир***

**Акбар МУЗАФФАРОВ,**
«XXI ASR»



Хусусан, банк-молия тизимида чуқурлашиб бораётган иқтисодий ислоҳотлар пул-кредит муносабатларини такомиллаштириш, турмуш фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этаётир. Узоққа бормайлик. «Капиталбанк» очиқ акциядорлик-тижорат банки ҳам ўз сармоялари билан ушбу жараёнда фаол иштирок этмоқда. Мижозлар билан ишончли ҳамкорлик ўрнатилган. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, дунёнинг тараққий этган давлатлари тажрибасидан аёнки, ушбу соҳа ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдириш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда катта имкониятларга эгадир. Шу боисдан ҳам айни масала мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган. «Капиталбанк» жамоаси буни теран ҳис этиб, хизмат сифати ва маданиятини оширишга ҳаракат қилмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида мижозларга 252,06 млрд. сўм кредит маблағи ажратилган эди. Шунинг 215,66 млрд. сўми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келади.

Банк сармоялари иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантиришда жуда қўл келаётир. Жумладан, бултур саноат корхоналарига 72,53 млрд. сўм кредит маблағи йўналтирилган эди. Шу ҳисобдан жойларда янги ишлаб чиқариш иншоотлари барпо этилиб, эскилари қайта таъмирланмоқда. Ажратилган кредитларнинг 4,62 млрд. сўми қурилиш, 54,52 млрд. сўми савдо-тижорат, 13,19 млрд. сўмдан зиёдроғи маиший хизмат ҳамда 69,93 млрд. сўми бошқа соҳалар ҳиссасига тўғри келади. Натижада жойларда 1426 та қўшимча иш ўрни яратилди.

Кези келганда бир масалани алоҳида таъкидлаш жоиз. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида ҳали-ҳануз давом этаётган иқтисодий инқироз шароитида «Капиталбанк» пул-кредит муносабатларини оқилона ташкил этиб, мижозлар ишончини қозонмоқда. Бу эса янгидан-янги ютуқлар омили бўлаётир. Яъни тараққиётнинг «ўзбек модели» ўзини тўла оқламоқда.

Айни пайтда банк ўз хизмати билан кириб бормаган соҳанинг ўзи йўқ. Келажакдаги режалар янада катта.

Бир сўз билан айтганда, иқтисодиётнинг қон томири ҳисобланган банклар юртимизнинг иқтисодий куч-қудратини оширишга, халқимизнинг ҳаётий талаб-эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилмоқда. Буни биргина «Капиталбанк» очиқ акциядорлик-тижорат банки фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Эълон

вклады
гарантированы
государством

Мы увеличим Ваши сбережения
КСБ предлагает Вам выгодно разместить свободные средства в банковские депозиты и получить процентное вознаграждение

CSB Credit Standard Bank
Депозиты
(998 71) 140 12 00
140 50 05
www.csb.uz
info@csb.uz

Услуга лицензирована

Хушхабар

## ОМАД СЕНГА, «ОҚ ОЛТИН»!

Қашқадарё вилояти шарафини ҳимоя қиладиган футбол клублари сони яна биттага кўпайди. Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимизда хотин-қизлар спортини ривожлантириш, аёлларнинг бадиий гимнастика, теннис, сузиш, футбол, волейбол каби спорт турлари билан шуғулланишлари учун шароит яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ғузор туманида «Оқ олтин» қизлар футбол жамоасининг ташкил этилгани ҳам фикримиз далили бўла олади. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган янги жамоанинг 36 нафар аъзоси айни пайтда малакали мураббийлардан футбол сирларини ўрганмоқда.

Таъкидлаш жоиз: дастлабки ўртоқлик учрашувларини Мустақиллик байрами шарафига ташкил этилган мусобақалар давомида ўтказган «Оқ олтин» қизларининг ўқув-машғулотларини ўтказиш, жисмоний ҳолатларини яхшилаш учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Зеро, уларга Ўзбекистон чемпионатининг олий лигаси вакили — «Шўртан» профессионал футбол клуби учун яқиндагина барпо этилган стадион ва спорт базаси хизматларидан фойдаланиш имкони берилди.

**Шухрат ХЎЖАЕВ тайёрлади.**



**Таълим соҳасининг барча ходимларини ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ билан муборакбод этарканмиз, келажагимиз эгаларини маънан етук, жисмонан бақувват ва жонажон юртимизнинг фидойи фарзандлари қилиб тарбиялашдек машаққатли ҳамда шарафли меҳнатларини улуғлаймиз. Сизларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилаймиз!**

# БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ









# 1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ




XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ, Абдурашид ЖЎРАБОЕВ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Баҳодир ҒАНИЕВ, Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илҳом НАСРИЕВ, Мухлиса АКРАМОВА, Равшан ОХУНОВ, Шуҳрат НОРГИТОВ, Шуҳрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Қиём НАЗАРОВ.
ТАҲРИРИЯТ: Озод РАЖАБОВ, Маркс ЮСУПОВ, Зумрад АБРОРОВА, Шаҳзод НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Асҳор ИСТАМОВ, Темур АБДУРАҲМОНОВ, Тоҳир МИРҲОДИЕВ, Носир ТОШЕВ, Шуҳрат ОХУНЖОНОВ.
БОШ МУҲАРРИР: Миродил АБДУРАҲМОНОВ. МАТН ТЕРУВЧИ: Раъно АБДУАЛИМОВА.
БЎЛИМЛАР: Котибият – 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими – 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими – 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими – 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими – 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими – 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru

©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Буюртма рақами: J 5422. Тираж: 13 368
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 20:00

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2181-497X

Навбатчилар: Н.ТОШЕВ, М.РЎЗИЕВ.